



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 248 (8738).

27 декабрь, 1985 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

## М. С. Горбачев

### Кан Сен Сан билан суҳбатлашди

25 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Совет Иттифоқига дўстона расмий визит билан келган Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР Мазкур Иқтисодий Бош вазирлиги Кан Сен Сан билан учрашди.

Самимий, ўртоқлик вази-  
ятда ўтган суҳбат чоғида  
Совет—Корея муносабатла-  
ри жўшиги ривожланиётган-  
лиги мамнуният билан қайд

этилди. Корея Меҳнат пар-  
тияси Марказий Комитети-  
нинг Бош секретари, КХДР  
Президенти Ким Ир Сен  
1984 йилда СССРга визит  
билан келган чоғида эри-  
шган ахдноларга муво-  
фиқ КПСС билан КМП ҳам-  
корлиги чуқурлаштиришга  
интилаётганлиги уқти-  
риб ўтилди.

М. С. Горбачев билан  
Кан Сен Сан СССР билан  
КХДР ўртасида иқтисодий  
алоқаларнинг эришилган

даражасини ижобий баҳо-  
ладилар. Бу алоқалар янада  
кенгайтиришга эришилди.

Бир қанча ақлул халқ-  
аро проблемалар юзасидан  
фикрлашиш чоғида Кан Сен  
Сан Совет Иттифоқининг қу-  
роллашиш пойғасини тўхта-  
тиш, ядровий уруш халфи-  
чи бағраф этиш манфаат-  
лари йўлидаги тинчликсе-  
варлик ташаббусини Корея  
халқи кенг қўллаб-қувват-  
лаётганлигини таъкидлаб

ўтди. М. С. Горбачев Корея  
яриги оролида тинчликни ва  
хавфсизликни сақлаш соҳа-  
сида КХДР сарфлаётган из-  
чил куч-ғайратларга юксак  
баҳо берди.

КПСС Марказий Комите-  
тининг Бош секретари КМП  
раҳбарлигида социализм қу-  
ришда, мамлакатини тинч йўл  
билан бирлаштириш ишида  
КХДР меҳнаткашларига я-  
гидан-ягиди муваффақиятлар  
тилади.

(ТАСС).

### ЖАНГОВАР ВА СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

ри, командирлар, сиёсий ор-  
ганлар ва партия ташкилотла-  
рининг КПСС Марказий Ко-  
митетининг ҳозирги талаб-  
лари асосида сиёсий, ташки-  
лотчилик ва идеология иши-  
нинг аҳоли ва уни янада  
яхшилаш тадбирлари, пар-  
тия XXVII съездида тайёр-  
гарлик тўғрисида Қизил Бай-  
роқ ордени Туркистон ҳар-  
бий округи қўшинлари қў-  
мондони, генерал-полковник  
Н. И. Попов доклад қилди.

СССР Қуролли Қўчалари  
Бош штаби бошлигининг би-  
ринчи ўринбосари армия ге-  
нерали В. И. Варенников,  
округ сиёсий бошқармаси  
хузуридаги партия комис-  
сияси секретари полковник  
А. В. Смирнов, делегатлар

дан В. Г. Шкананин, В. М.  
Гаврилов ва бошқаларнинг  
қўллаб-қувватлаш тадбир-  
лари асосида сиёсий, ташки-  
лотчилик ва идеология иши-  
нинг аҳоли ва уни янада  
яхшилаш тадбирлари, пар-  
тия XXVII съездида тайёр-  
гарлик тўғрисида Қизил Бай-  
роқ ордени Туркистон ҳар-  
бий округи қўшинлари қў-  
мондони, генерал-полковник  
Н. И. Попов доклад қилди.

Конференция делегатлари  
ишда КПСС Марказий Ко-  
митети секторининг мудири  
И. П. Потапов, Тошкент об-  
ласти партия комитетининг  
биринчи секретари Т. А. Али-  
мов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

### ВИСТАВКАГА ТАШРИФ

КПСС Марказий Комите-  
тининг Бош секретари М. С.  
Горбачев 24 декабрда Мос-  
квадаги Марказий виставка  
залида КПСС XXVII съезди-  
га бағишланган «Советская  
Россия» бадний виставкасини  
бориб кўрди.

Кўргазмани кўздан кечи-  
риш вақтида КПСС Марка-  
зий Комитети Сиёсий бюроси  
аъзоларига кайидат, СССР  
маданият министри П. Н.  
Демичев, РСФСР маданият  
министри Ю. С. Мелентьев,  
СССР Радомлар союзи  
правленисининг раиси Н. А.  
Полосининг ҳозир бўлдилар.

РСФСР Радомлар союзи  
правленисининг раиси С. П.  
Ткачев изоҳ бериб турди.  
Ўртоқ М. С. Горбачев  
виставка экспозициясига ю-  
кори баҳо берди. Унга Россия  
Федерациясининг таниқли  
усталари ва ёш санъаткор-  
лари ижод этган ранг-тасвир,  
ҳайкалтарошлик, графика  
асарлари, плакатлар, мону-  
ментал санъат намуналари  
қўйилган.

(ТАСС).

### ЛЕНИННИНГ ЯНГИ ҲУЖЖАТИ

Лениннинг янги ҳужжа-  
ти — В. И. Ленин 1922 йил  
12 ноябрь куни К. Цеткинга  
ёзган хати КПСС Марказий  
Комитети хузуридаги маркс-  
изм-ленинизм институтига  
келтирилди.

Германиядаги  
«Минераль-Розтоф» - Хан-  
дель» (МРХ) савдо фирма-  
си президенти ва шу фир-  
манинг эгаси Р. Креннинг  
Ленин мактубининг асл нус-  
хасини СССР Ташқи савдо  
министрлигидан институтга  
совға сифатида топширди.

(ТАСС).

### МОНТАЖЧИЛАР РАПОРТИ

«Беш йилликнинг яку-  
лови йилида товар махсу-  
лот ишлаб чиқариш юзаси-  
дан мажбурийлар бажари-  
ди. Ҳамама объектлар бири-  
чи тақдирдаёқ топширил-  
ди». «Узсентехгазмонтаж»  
трестининг Олмалидаги  
кўча механизациялашган  
колоннаси меҳнаткашлари-  
нинг янги йилдаги рапорт-  
ида ана шу сатрлар бор.

Юксак самара ва сифат  
билан, стахановчисига иш-  
лашда бригада пудрат кўл  
кечмоқда. А. Макеев, А.  
Федосеев ва В. Кривенко  
раҳбарлигидаги ҳўжалик ҳи-  
собида ишловчи илгор кол-  
лективлар смена топшири-  
ларини 30—40 процент  
ошириб адо этиб, ўн иккин-  
чи беш йиллик ҳисобига иш-  
ламоқдалар.

«Ун санъатлар ташаббу-  
си»га қўйилган монтажчи-  
лар келгуси йил биринчи  
квартал, планини КПСС  
XXVII съезди очилдиган  
кунгача бажаришга қарор  
қилдилар.

(ЎзТАГ).

## ПИЛЛАКОРЛАР ОНАХОНИ

Ипак қўрти ависи даҳага  
кирган кезлар эди. Ишчилар  
барг қидириб, қишлоқма-  
қиллоқ юришди. Барг эса  
туғаб бораяпти. Ҳабиба эр-  
талаб шаҳарга тушиб кетди.  
Чорсу даҳасидаги уйлاردан  
бирида тутун кўрди-ю, ич-  
карига кирди. Ҳовли бир  
парчагина бўлиб фақат шу  
дарахт соя ташлаб турарди.  
Уч-тўрт болакай тут териб  
билан банд эди.

Болаларини кўрди-ю, Ҳаби-  
банинг қўли болтага борма-  
ди. Ўша кунини нечкурини у  
тўғри совхоз директори ол-  
дига келди. Ахир қанонгача  
ишчилар барг излаб, шаҳар  
ва қишлоқларни кезишди.  
Совхозда тўтзор яратиб  
мумкин эмасми?

— Ортиқча ер бўлмаган-  
дан кейин нима қилайлик, —  
деди директор. — Биздан  
кўпроқ мева, сабзавот мах-  
сулотлари талаб қилинади.  
Ерларнинг ҳаммаси шу экин-  
лар ва боғлар билан банд.  
Агарда ортиқча ер бўлса, ай-  
тинг, тўтзор қилайлик.

— Даре ёқасида ўн гек-  
тарча ташландиқ ер бор, —  
деди у. — Юқоридан ариқ  
тортиб, — сув келтирса бўла-  
ди. Ўшанда тут қўчалари  
орасига сабзавот экинлар  
ҳам экиш мумкин.

Директор бир зум ўйла-  
ниб турди.

— Иккинчи бўлимнинг  
этак томонини айтасиз-да,  
— деди у Ҳабибага қараб.  
— У юқоридан ташлаб учун  
қанча техника ва ишчи кучи  
зарурлигини биласизми?

Мен бир нарсани би-  
ламан, кўз кўрмоқ, қўл бо-  
ғир. Иш бошланса ишчи кучи  
ҳам, техника ҳам топила-  
ди. Ўз тут плантациямиз  
бўлса ёмонми? Шунда одам-  
лар ҳам пилла қўрти боқиш-  
га қизиқиб қолади. Нариве-  
риси билан бир ойда улар  
бир-икки минг сўмлик даро-

мад қилишади. Пиллачилик-  
ни ривожлантиришдан сов-  
хоз ҳам, хонадонлар ҳам  
манфаатдордир.

Ўша йили Ҳабиба Раҳмо-  
нованинг ташаббуси билан  
совхозда ўн гектарлик тўт-  
зор барпо этилди. Кейинги  
йилларда у яна ҳам кенгай-  
ди. Ҳозир совхознинг 100  
гектардан ортиқ тут планта-  
цияси бор. Одамлар пилла  
қўртини оғиримай боқиша-  
пти. Ҳабиба она пиллачи-  
лик бригадаси бошлиғи

ган усулда пилла боқишга  
ўтди. Пиллачиликнинг ин-  
дустриал базаси шу тариқа  
мустаҳкамлашиб бораверди.  
Бу хизматлари учун тарихи  
Ҳабиба Раҳмонова Ленин  
орденига сазовор бўлди.

Бўстонлик райондаги уч-  
тўрт ҳўжалик уруғлик пилла  
тайёрлашга ихтисослашган.  
Уларнинг энг йириғи «Хў-  
жаикент» совхозидир. Ҳабиба  
Раҳмонова бошлиқ пилла-  
чилик бригадаси бошлиғи  
миқдорда ҳар йили қўллаб  
берилаётган. Бу йил баҳорда  
улар тайёрлаган ҳосил 18  
тоннадан ошиб кетди. Ҳар  
қўти кўрт уруғидан ўрта  
ҳисобда 70 килограммдан  
пилла олинади.

Район коммунистларнинг  
конференциясида Ҳабиба  
Раҳмонова бошлиқ пилла-  
корлар тайёрлаётган ютуқлар  
алоҳида тилга олиб ўтилди.  
Пиллакорлар онахони Ҳаби-  
ба онанинг область партия  
комитети аъзоси сифатида  
пиллакорларнинг иш ва тур-  
муш шартининг яхшилаш,  
қишлоқда турмуш мадания-  
тини ошириш бўйича бажар-  
яётган ишлари ҳам таъкид-  
ланди.

Уста пиллакор Ҳабиба  
она «Гўлёр» фольклор ан-  
самблининг қатнашчиси ҳа-  
дир. Ансамбль аъзолари  
бўш соатларида пиллакор-  
лар ҳузурида кўп марта бў-  
лишган. Ўз санъатлари билан  
ҳамқариларини кўнглини  
хушнуд этишган. Ан-  
самбль репертуарини боши-  
та коммунист Ҳабиба  
Раҳмонова алоҳида, жон  
қўйдиранти. Ҳозирги кунда  
у ўз санъатсавар дўгонлари  
билан қишлоқ оқимларида  
файз келтиришди. Меҳнатда  
илгор, жамоат ишларида ан-  
тив аёлларимиз ҳамisha бор  
бўлсин!

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

### ЗАРБДОРЧАСИГА, СТАХАНОВЧАСИГА РЕПОРТАЖ

ИККИНЧИ олтингугурт  
кислотаси цехи Олмалидаги  
мис эритиш заводининг ил-  
гор бўлиналиридан ҳисоб-  
ланади. Коммунист, ақойиб  
мутахассис Олимжон Мусли-  
мов раҳбарлик қилаётган  
цех коллективи КПСС  
XXVII съезди шарафига  
бошланган социалистик му-  
собадада пешқадамликни  
қилапти. Якуновчи йилнинг  
ўтган ойлари давомида план-  
дасидан ташқари ўйларча  
минг тонна олтингугурт ки-  
слотаси ишлаб чиқаришди.

Цех коллективи корхона  
деҳлари ўртасидаги меҳнат  
беллашувини якунларида ой  
санаи мукофотли ўйларини  
эгалламоқда. Йил бошидан  
бери тўрт ой давомида го-  
либлик қилди. Цех коллек-  
тиви эришяётган бундай меҳ-  
нат ютуқларида О. Гурьяно-  
ва раҳбарлигидаги смена-  
нинг улуғли каттадир. Бу  
смена аъзолари беш марта  
сменаларо мусобадада го-  
либлик қилдилар.

Олтингугурт цехида ту-  
кун меҳнат жараёни тинмай-  
ди. Агрегатлар доим бир  
маромада ишлаб турили кира-  
рак. Бу уларни бошқаряёт-  
ган ишчи-хизматчилардан  
доим сергак турилини талаб  
этади. Смена аъзолари ҳам-  
ма вақт пунга амал қи-  
лашади. Барча асбоб-ускуна-  
ларнинг ишини бир зум ҳам  
этибдордан четда қолдир-  
майдилар. Бунда уларга  
турли хил автомат назорат  
қилиш мосламалари ёрдам  
беради. Уларни кузатиш би-  
лаң ёпиқ агрегатлар ишда  
технологик жараён қандай  
давом этаётганлигини аниқ  
билиш мумкин. Аппаратчи-  
лардан Валентина Дубовик,  
меҳнат ветерани Елизавета  
Хамзина, машинист С. Ме-

лев, электрфильтрлар опера-  
тори Бельяникова агрегат-  
ларнинг бир маромада иш-  
лашини таъминлайдилар.

— Зиммага олинган маж-  
буриятларни тўла ва оши-  
риб бажариш бизнинг му-  
қаддас бурчимиздир, — дей-  
ди цех бошлиғи О. Мусли-  
мов. — Якуновчи йилда  
коллективимиз зарбдорча-  
сига, стахановчасига иш-  
лапти. Шунинг учун ҳам эл-  
юрт олдида берилган вазда-  
нинг улдасидан чиқмоқда-  
ми. Бунга аввало ишлаб  
чиқаришнинг қолоқ участка-  
ларини илгорлар сағида ет-  
казиб олиш, мавжуд резерв-  
ларни ишга солиш, ишчи-  
хизматчиларнинг малакаси  
ва насб маҳоратини ошириш  
туғайли эришмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам цехда  
кадрларни тарбиялашга кат-  
та эътибор берилмоқда. Бу  
муҳим ишда мураббийлар  
яқиндан ёрдам беришапти.  
Тажрибали аппаратчилардан  
А. Будков, А. Варавко, Н.  
Хван, электромонтер А.  
Швайтер, слесарь А. Фро-  
лов ўларнинг маҳорат сир-  
ларини касбдошларига сид-  
қидилан ўргатмоқдалар.  
Уларнинг тарбиясини олган  
ишчи-хизматчилардан С. Ку-  
ликова, В. Марченко, А.  
Азимов ва бошқа ўнлаб муъ-  
жизкорлар устозлари билан  
ёшма-ён туриб фидокорона  
меҳнат қилмоқдалар.

Цех ишчи-хизматчилари-  
нинг маданият дам олишлари  
ва саломатликларини мус-  
таҳкамлашлари учун барча  
шароитлар яратиб берилган.

Ф. ТЯН,  
«Алмаликский ра-  
бочий» газетасининг хо-  
дими.

М. МИРҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ— ХАСКОВО

### ДУСТАЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Охангарон цемент комби-  
натида БХР Хасково округи  
Димитровград шаҳридаги  
«Вулкан» цемент комби-  
нати бир гуруҳ мутахас-

сислари келдилар. Комби-  
нат партия ташкилотининг  
секретари Габо Живов бош-  
чилигидаги болгар мутахас-  
сислари бир ҳафта давомида

юқори сифатли цементнинг  
турли маркарларини ишлаб  
чиқариш тажрибаси, ас-  
бест-цемент ва минераллаш-  
тирилган буюмлар тайёрлаш  
технологиясини ўрганади-  
лар.

Болгариялик дастлар ўз-  
бек ҳамкасбларининг меҳ-  
нат шартонлари ва турмуши  
билан ҳам танишдилар.

А. Зуфаров фотолари.

### ЧОРВА ҚИШЛОВИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» НАЗОРАТИДА

ЯНГИЙЎЛ районидagi  
Меҳнат Қизил байроқ ор-  
дени «Коммунизм» колхо-  
зи чорвадорлари чорва қиш-  
ловини намунали ўтказиш  
юзасидан бошланган Бутун-  
иттифоқ мусобақасига актив  
қўшилиб меҳнат қилмоқда-  
лар. Бу даврда ҳам қорамол-  
лардан мўл ва сифатли  
махсулот этиштириш асосий  
вазифа қилиб қўйилган. Бу  
борада чорвадорлар салмоқ-  
ли натижаларга эришмоқда-  
лар.

Халқимизда «Моли  
тўқнинг қўнгли тўқ», деган  
яхши нақл бор. — дейди  
колхоз бош зоотехниги М. Мур-  
од Юнусов. — Биз бунга  
тўқлиқ амал қилаймиз.  
Қишлоғва етарли миқдорда  
ем-хашак тайёрлаш учун ич-  
ки имкониятлар ишга соли-  
ди. Тажрибали чорвадор Са-  
фар Эрмакбоев бошчилиги  
қилаётган озуқа этиштириш  
бригадаси аъзолари барча  
турдаги ем-хашак тайёрлаш  
планларини ортиги билан  
бажардилар. 4655 тонна да-  
ғал хашак жамгарилди.  
Пландаги 4 минг тонна ўр-  
нига хандақларга 4300 тон-  
на силос бостирилди.

Колхозда, 1985 йилдан

### ОЗУҚА ЦЕХИ ИМКОНИЯТЛАРИ

бошлаб соғин сигирлар учун  
қимматли бўлган лавлага  
этиштиришга ҳам алоҳида  
эътибор берилмоқда. 30  
гектар ерга лавлага экилиб,  
унинг парваришини яхши  
ташкил этиш учун махсус  
вазифа ташкил этилди. Бу-  
нинг самараси қувончли  
бўлди. Ҳар гектар ердан  
пландаги 479 центнер ўр-  
нига 1093 центнердан ҳо-  
сил кўтарилди.

Шунингдек, бу ерда озуқа-  
дан тежаб-тергаб, самарали  
фойдаланиш юзасидан қў-  
шимча тадбирлар ишлаб чи-  
қилган. Дағал озуқалар қай-  
та ишланиб, тўқималигини  
ошириб сўнгга қорамол-  
ларга берилмоқда. Озуқа  
цехи тўқовсиз ишлаб туриб-  
ди. Ҳозир барча ёшдаги мол-  
лар қишқи рацион асосида  
парварил қилинмоқда. Со-  
ғин сигирлар эса кечаси қў-  
шимча озиқлантиришмоқда.

Амалга ошириляётган тад-  
бирлар ўзининг қувончли са-  
марасини берапти. Соғин  
сигирлардан ёздагидек мўл  
ва серқаймоқ сут соғиб  
олинмоқда. Давлатга сут со-  
ғити плани муддатидан ил-  
гари бажарилди. Ўл дасту-  
ронига 1236 тонна сут ет-  
казиб берилди. Бўрдоқбо-  
қарлар 107 тонна ўрнига  
118 тонна гўшт топшириб,  
бу борадаги плани 10 ой-  
лаёқ адо этишди.

Айни кунларда колхоз  
фермасида чорвадорлар ўр-  
тасида ўзаро социалистик  
мусобақанинг таъсирчан  
формаларидан фойдаланиш  
моқда. Соғувчилар ўртаси-  
даги беллашувда Жамила  
Асқужаева, Музофот Юну-  
сова, Салима Чингитова ва  
Миновар Отақужаевалар  
пешқадамлик қилишапти.  
Улар ўз қарамолларидаги со-  
ғин сигирларнинг ҳар бири-

дан кунига 11—12 кило-  
граммдан сут соғиб олмақ-  
далар. Умуман, колхоз бў-  
ячи айни кунларда 375 бош  
сигирнинг махсулдорлиги 10  
— 11 килограммни ташкил  
этмоқда.

Иш бошидан пухта  
бўлса ютуқлар қўпаяверади,  
деди мусобақа пешқа-  
дами Жамила Асқужаева. —  
Колхозимизда озуқа базаси-  
ни мустаҳкамлашга, молзо-  
наларини қишлоғва пухта  
тайёрлашга олинган ишчи  
шилади.

Чорвадорларга  
уқумли ишларлари учун  
барча шарт-шароитлар яра-  
тилган. Ҳар ким ўз ишини  
билиб, масъулият билан ба-  
жаради. Шунинг учун ҳам  
синов даврини бир неча йил-  
лардан буён муваффақиятли  
ўтказаямиз. Чорвадорла-  
римиз айни кунларда партия  
ва ҳукуматимизнинг съезд-  
олди ҳужжатларини ўрганиб  
чиқмоқдалар. Бу муҳим ҳўж-  
жатларда алоҳида таъкид-  
ланганидек келгусида зарб-  
дор тармоқни янада ривож-  
лантираимиз. Халқимизга  
гўшт, сут ва бошқа махсу-  
лотлар етказиб беришни қў-  
пайтираимиз.

В. БОБОХОНОВ.

ЧИНОЗ районидagi  
«Чиноз» насрчилик совхоз-  
техникуми чорвадорлари  
қишлоқни намунали ўтқа-  
зишмоқда. Бу ерда кунига  
давлатга 18 тоннадан ортиқ  
серқаймоқ сут етказиб бе-  
рилмоқда. Соғин сигирлар

махсулдорлиги ўртача 9,5—  
10 килограммин ташкил эта-  
пти. Бундай юқори кўрсат-  
киларга қорамолларни ўз  
вақтида озиқлантириш, зоо-  
ветеринария қондалари асо-  
сида парварил қилиш ту-  
файли эришилмоқда. Сурат

ларда: (чапдан) ҳўжалик-  
нинг илгор сот соғувчиси  
Нина Ахметова. У қарам-  
ғидаги говмишлар махсул-  
дорлигини 12 килограммга  
етказмоқда; совхоз марказий  
сут-товар комплексида янги

қуриб ишга туширилган озу-  
қа цехи; ферма механизато-  
ри Халил Эргашев. Ем-ха-  
шакни ўз вақтида етказиб  
беришда унинг хизмати кат-  
та бўлаётти.

А. Зуфаров фотолари.



САҲИФА № 12 (284)

Область халк контроли комитетада

A black and white photograph of a man, likely a worker, wearing a cap and a dark jacket, looking down at a small object he is holding in his hands.

текшириб кўрмоқда. Актин халқ назоратчиларидан А. Хўжаев (пастда, чапдан) ва И. Одилов меҳнатда ҳам, жамоат ишларида ҳам кўпчилиikka намунадир.

В. Сироткин фотолари.

— умумхалқ иши

# СОБДА

ловатт-соат электр энергия, 5 тонна ёнлги, 8 гигакалорий иссиник энергияси иқтисод қилинди. Технологию жараёнлари оқилона бошқариш туйғайли эса 300 тоннадан кўпроқ гўшт маҳсулотлари тежалди.

Коллективизмиз 1985 йил учинчи квартал якуни бўйича республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлди. Корхонамиз номи Бу-туниттифҳо Халқ ҳужалиги ютқуларди. Кулғазмасининг Хурмат тахтасига ёзилди ва 1500 сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди. Шу му-ваффақиятларда халқ назо-ратчилиримизнинг ҳам му-носиб ҳиссалари борлигидан фахрланамиз.

М. ФЕДОРИШЕВА,  
Олмалиқ гушт қосбини-  
ни халқ контроли груп-  
пасининг раиси.

АН СЎНГ

# Шикдан

ни машина юкхонасига жой-  
лаб яна орқага қайтди.

Назоратчилар Тўйгепа ав-  
томобилларга техника хизма-  
ти кўрсатиш станцияси иши  
билан танишганларида яна  
бир қатор қамчиликлар маъ-  
лум бўлиб қолди. Бу ерда  
фақат оямборчи эмас, ремонт-  
чилар ҳам юлдузчи бенав-  
рон урадиқлардан экан.

Буюртма қабул қилувчи  
мастер С. Мансурхўжаев  
бир қўлоч наярл ғаниб ре-  
монт-талаб машиналардан  
иқкарга киритиб юборавера-  
ди. Ремонтчилар эса ўзлари  
билганча иш-тутиб буютни

ган ишларнинг ярмини ҳам  
бажаришмайдн. Шундай йўл-  
лари билан устакхона ходим-  
лари хаваскор ҳайдовчилар  
Н. Ф. Грабарчукдан 36 сум,  
Р. Усмоновдан 400 сум, С.  
Қозиевдан 25 сум ортиқча  
уриб қолишган ади.

Рейддан сўнг нафси хакка-  
лак отган ошбор мудирининг  
кювуси тўғрйла қўйилди.

Буюртма қабул қилиб иш-  
ни шифатга эътиборсиз-  
лик билан бажаришган С. Ман-  
сурхўжаев, тартиб ва нити-  
зомсизлигини кўрса ҳам ўзи-  
ни кўрмасликка олиб юрган  
станция бошлиғи Е. Семён-  
ченкога қаттиқ виворот  
эълон қилинди.

**У. ҲАМИДОВ.**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг  
— жамоатчи мухбири.

---



Ташкент районидagi А. Навоий номидаги йилмашиналар заводидаги механикларнинг еса узоқ вақт ремонтда туриб қолаётгани. Машиналарнинг бири 45 кун ремонт қилинган бўлса, иккинчиси салкам икки йил мойдан қимирламай турди. Ҳасоб-китобдаги чалкашлиқлар ҳақида таълимулмул ҳам

---

«Москва» колхози раҳбарлари, шу жумладан хўжалик раисининг кўрилинч ишлари





